

2019

THE ROLE OF SOCIOLOGICAL RESEARCH IN LAWMAKING

Axror Xudoyberdiyev

Academy of the Ministry of Internal Affairs of Uzbekistan

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Xudoyberdiyev, Axror (2019) "THE ROLE OF SOCIOLOGICAL RESEARCH IN LAWMAKING," *The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 7.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2019/iss2/7>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

Axror XUDOYBERDIYEV,
O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi
Davlat-huquqiy fanlar kafedrasida dotsenti,
yuridik fanlar nomzodi, dotsent.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИДА СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ЎРНИ

РОЛЬ СОЦИОЛОГИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ В ПРАВООТВОРЧЕСТВЕ

THE ROLE OF SOCIOLOGICAL RESEARCH IN LAWMAKING

Калит сўзлар: *Олий Мажлис, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти, қонун ижодкорлиги, социология, социологик методлар, қонун ижодкорлигида социологик тадқиқотлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, анкеталаштириш ва бошқалар.*

Ключевые слова: *Олий Мажлис, законотворческая деятельность, законотворчество, социология, социологические методы, социологические исследования, правовая сознание, правовая культура, анкетирование и др.*

Key words: *Oliy Majlis, lawmaking, lawmaking, sociology, sociological methods, sociological research, legal awareness, legal culture, questioning, etc.*

Барчамизга маълумки, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва лебераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши мамлакат қонун ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришга албатта, ўзининг ижобий таъсирини ўтказмай қўймайди. Қонунлар қабул қилиш ва уларни ҳаётга жорий этиш уларни ҳар томонлама пухта ишлаб чиқиш, умуман, ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштиришни энг долзарб вазифага айлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида қонун ижодкорлиги билан боғлиқ муаммолар хусусида алоҳида тўхталиб ўтиб, қуйидаги фикрларни баён этди: «Яна бир муҳим йўналиш – қонунларни қабул қилишда жамоатчилигимиз, сайловчилар-

Мақолада бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг асосий вазифаси ҳисобланган қонун ижодкорлиги жараёнида умумхалқ манфаатларининг ҳисобга олиниши, қонунларни қабул қилиш жараёнида аҳолининг кенг иштироки, бунда аҳоли манфаатларини асосий ўринга қўйиш, жойларда аҳоли ва уларнинг эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган қонунлар ва улар томонидан билдирилган таклиф-мулоҳазалар асосида қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш масалалари, қонун билан тартибга солиниши зарур бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қандай қонунлар ишлаб чиқилиши зарурлиги, жамият аъзоларининг эҳтиёжлари ва уларнинг муаммоларини социологик тадқиқотлар орқали ўрганиш масалалари, жамиятдаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи аниқ ижро механизмига эга бўлган қонунларни қабул қилиш масалалари тадқиқ этилган. Шунингдек, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг асосий шакли ҳисобланган қонун ижодкорлиги жараёни, қонун ижодкорлиги жараёнида социологик тадқиқотларнинг аҳамияти, социологик тадқиқотларни ўтказишнинг умумий асослари, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш масалалари, ҳуқуқ ижодкорлиги ва қонун ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил қилиш муаммолари, социологик тадқиқотларни ўрганиш методологияси, жамиятдаги муносабатлар тизимида социологик тадқиқотлар ва уларни ўтказишнинг мақсадлари баён этилган.

В научной статье рассматриваются основные задачи Олий Мажлиса Республики Узбекистан в законотворческом процессе. В частности, его деятельность, связанная с учетом интересов большинства общественности республики и обеспечением широкого участия населения в процессе принятия законов. Рассматриваются механизмы, обеспечивающие приоритетность интересов народа в процессе законотворчества, принятия законов, связанных с потребностями населения и их предложениями. Также рассматривается роль законодательного органа в регулировании социальных вопросов посредством законодательных актов, а также роль социологических исследований в процессе принятия законов. Описываются процессы законотворчества, общие принципы проведения социологических исследований, вопросы повышения правового сознания и культуры граждан, проблемы изучения и анализа общественного мнения в процессе правотворчества и законотворчества, методология исследования социологических исследований, цели социологических исследований и их проведения в системе отношений в обществе.

The scientific article discusses the main tasks of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan in the legislative process. In particular, its activities related to taking into account the interests of the majority of the public of the republic and ensuring wide participation of the population in the process of adopting laws. The mechanisms of ensuring the priority of the interests of the people in the lawmaking process, the adoption of laws related to the needs of the population and their proposals are considered. It also discusses the role of the legislature in regulating social issues through legislation, as well as the role of sociological research in the process of passing laws. Lawmaking processes, general principles of sociological research, issues of raising legal awareness and culture of citizens, problems of studying and analyzing public opinion in the process of lawmaking and lawmaking, methodology of sociological research, goals of sociological research and their conduct in the system of relations in society are described.

нинг кенг иштироки сезилмаяпти. Қонунлар қабул қилиниши билан халқимизнинг оғири энгил бўлди-ми, унинг ҳаётидаги муаммолар ҳал этилдими, деган саволлар билан, афсуски, ҳеч ким қизиқмаяпти.

Шунинг учун ҳам, қонунларни қабул қилиш жараёнида янги тизим – аҳоли билан муҳокама қилиш тизимини жорий этиш лозим, деб ҳисоблайман. Яъни катта аҳамиятга эга, муҳим қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилингандан кейин жойларда фуқаролар билан кенг муҳокама қилиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олиб, лойиҳаларни такомиллаштирган ҳолда иккинчи ўқишга киритиш тартибини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Яширишнинг ҳо-

жати йўқ, биз кўпинча, вилоят марказларига бориб, ўша ернинг ўзидан қайтамыз. Жойларда бўладиган муҳокамаларда иштирок этмаймиз, одамларнинг муносабатини уларнинг ичида туриб, улар билан бирга юриб ўрганмаймиз. Натижа нима бўлади? Қабул қилинган қонунларимиз тўлақонли бўлмайди, кутилган самарани бермайди» [1].

Дарҳақиқат, давлат раҳбарининг юқоридаги фикрларидан келиб чиқиб, қабул қилинаётган қонун лойиҳаларини юртимизнинг олис жойларда истиқомат қилувчи фуқароларимиз ўртасида кенг муҳокама қилиб, мазкур қонун лойиҳасига оид фикр-мулоҳазалари, шу қонун билан тартибга со-

линиши мўлжалланган ижтимоий муносабатларга тегишли муаммоларни ўрганиб, уларни шу қонунда акс эттириш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бирига айланмоқда. Ана шундай муаммоларни ўрганишда социологик тадқиқотларни олиб боришнинг аҳамияти беқиёс.

Социологик тадқиқотлар хусусида тўхталар эканмиз, авваламбор, социология нима эканлигини билиб олишимиз зарур. Умуман олганда, социология жамиятда шаклланадиган ўзаро ва инсоний муносабатларни ўрганади. Биз ўрганаётган қонун ижодкорлиги мавзуси нуқтаи назаридан социологик тадқиқотларнинг ана шу жиҳати, яъни ижтимоий муносабатларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ижтимоий фикр ана шу муносабатларни ўзида акс эттиради. Француз социологи Огюст Контнинг фикрича, социология фақат жамиятни эмас, балки жамиятни ташкил этувчи, унинг асосида ишлаб турувчи ва ривожланувчи ижтимоий материалларни ўрганади [2; 8 б.].

Дарҳақиқат, социология кенг маънода инсонлараро муносабатлар ва жамоатчилик фикрини ўрганади. Бунда ўз-ўзидан социологик тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Чунки социология жамиятнинг турли соҳалари: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-ахлоқий ва бошқа тармоқларини ўрганишда социологик тадқиқотларга таянади. Ҳозирги босқичда илмий тадқиқотларни самарали ташкил қилиш долзарб масала бўлиб қолмоқда, чунки интеграция жараёнлари турли фанларнинг ўзаро чатишуви ва бир-бирини бойитиши, тадқиқотнинг универсал методларидан кенг фойдаланишдан келиб чиққан комплекс ёндашув деб номланган ёндашувни илгари сурмоқдаки, булар фан томонидан амалиётга тақдим этиладиган тавсияларнинг таъсирчанлигини оширади [3; 3 б.].

Социологик тадқиқотда бир неча жиҳатни ажратиш мумкин. Изланиш ёки стратегия умуман тадқиқотни режалаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ.

Бу мос тадқиқот усулини танлаш ва уни мазкур соҳада қўллаш услубини ишлаб чиқиш демакдир. Тадқиқот методологияси натижалар талқини ва олинган маълумотлар таҳлилининг мантиқий кетма-кетлигини белгилайди.

Социологик тадқиқотлар ўзининг воситаларига эга. «Социологик тадқиқот қурол-аслаҳаси – махсус ҳужжатлар (анкеталар, сўров варақалари, кузатув карточкалари, социометрик карточкалар,

эксперт хулосалари, жадваллар ва ҳ.к.) мажмуаси. Улар ёрдамида социологик тадқиқотнинг асосий услублари (кузатув, ҳужжатларни таҳлил қилиш, сўров) амалга оширилади ва ўрганилаётган объект тўғрисида эмпирик маълумотлар тўпланади» [4; 116 б.].

Социологик тадқиқотлар жамоатчилик фикрини ўрганишда асосий мезон бўлиб ҳисобланади. Машҳур америкалик социолог Т. Парсонс шундай таъкидлаган эди: «Социология бошқа ижтимоий фанлардан фарқли ўлароқ, бутун жамиятга, ижтимоий тизимларнинг бирлашувига тааллуқли бўлган тизим ва жараёнларни ўрганади» [5; 364 б.].

Социологик тадқиқотлар бўлажак изланишларнинг илмий асосланган режа ва дастурини тайёрлашдан бошланади. Социологик тадқиқот дастури ҳаёт воқелигидан келиб чиққан ва илмий-назарий жиҳатдан пухта ишланган бўлиши лозим. Шу боис ҳам ижтимоий фикрни аниқлашда, айниқса, унинг қонунчиликдаги ролини тўғри тушуниб етишда бу муҳим ўрин тутади, масала моҳиятини тўғри англашга хизмат қилади. Зеро, тадқиқот натижалари қандай бўлиши ана шу омиларга боғлиқдир.

Ғарбда ижтимоий фикрнинг социологик тадқиқот натижаларини эълон қилиш тартибига анча қаттиқ талаблар мавжуд. Сўров натижаларини ҳар қанақасига эълон қилиш ёки бошқача шаклда ошкор қилишдан олдин албатта, уни ўтказиш методлари тавсифланади, танлов ҳажми, йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолар миқдори ҳақида хабар берилади ва ҳ.к. Айрим мамлакатларда бу талаблар сайловлар ҳамда референдумлар ўтказишни тартибга солувчи қонунлар билан мустаҳкамланган, қолган ҳолатларда эса қонун билан расмийлаштирилмаган, шунга қарамай ўзининг тартибга солувчилик функциясини самарали уддалаётган амалий одатлар (амалдаги ижтимоий нормалар) сифатида юради [6; 255 б.]. Айтиб ўтилганидек, ҳуқуқдаги конкрет социологик тадқиқотлар ҳуқуқ институтлари самарадорлигини ўрганиш, ҳуқуқнинг ижтимоий муносабатлари, амалиётга таъсирини ва социал омиларнинг ҳуқуққа акс таъсирини ўрганишга қаратилган. С. Л. Юнусованинг фикрига кўра, ҳуқуқ социологияси предметнинг айнан шундай формуласи энг мақбули бўлиб, у ҳам юрист, ҳам социолог олимларнинг нуқтаи назарларини яқинлаштирувчи умумий жиҳатдир [7; 3 б.].

Тадқиқот усуллари – бу ижтимоий дунёни ўрганишда қўлланиладиган ҳақиқий усуллардир! Булар жумласига сўровлар, интервьюлар, «ичкаридан кузатиш» (ўрганилаётган ҳамжамият ичидаги ишлар), расмий статистик ва тарихий ҳужжатлар талқини ва, шунингдек, унчалик қўлланилмайдиган бошқа усуллар киради.

Ҳар қандай тадқиқот муаммодан бошланади. Ўрганилаётган муаммо борасида аниқлик бўлмаса, тадқиқотчи мавзуга алоқадор бошқа тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиши ва мақсадга эришишда улар қандай ёрдам беришини аниқлаши керак. Аввалги тадқиқотчилар ҳам худди шу бошқотирмани назарда тутганми? Улар буни қандай ечишга ҳаракат қилган? Улар тадқиқотида муаммонинг қайси жиҳатлари эътиборсиз қолган? Бу олимга тадқиқот лойиҳасига доир саволлар ва мазкур ишда қўллаш мумкин бўлган усулларни аниқроқ тасаввур қилишга ёрдам беради.

Кейинги босқич тадқиқот муаммосини аниқ белгилаб олишдан иборат. Агар адабиёт мавжуд бўлса, тадқиқотчи кутубхонадан мазкур муаммога қандай ёндашиш кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиб қайтиши мумкин. Ушбу босқичда у муаммонинг табиати ҳақидаги тахминларини маълум гипотезаларга айлантириши мумкин.

Барча социологик тадқиқотлар уни ўтказиш бўйича умумий дастурга асосланган ҳолда олиб борилади. Одатда дастурга қуйидагилар киритилади:

1) Ўрганилаётган ижтимоий муаммо (бу ўринда ижтимоий фикр).

2) Тадқиқотнинг мақсади.

3) Тадқиқот объекти.

4) Танлов.

5) Гипотеза (илмий фараз, тахмин).

6) Сўров анкеталарини тузиш.

7) Сўровномани таҳлил қилиш ва тасдиқлаш.

8) Тадқиқот ўтказиш жараёнидаги ташкилий ва моддий харажатларни ҳисоб-китоб қилиш.

9) Респондентларни тадқиқот ўтказишга тайёрлаш.

10) Тадқиқотга тайёргарлик кўриш.

11) Тадқиқот ўтказиш.

12) Тадқиқот натижаларини саралаш ва уларни қайта ишлаш.

13) Олинган натижаларни илмий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ва ҳисоботни тайёрлаш.

14) Ҳисобот натижаларини инобатга олган ҳолда чора-тадбирлар мажмуаси ва тавсиянома яратиш.

Ушбу дастур жамоатчилик фикрини ўрганиш мақсадида ўтказилаётган социологик тадқиқотларга асос бўлиб хизмат қила олади.

Социологик тадқиқот ўтказишнинг бир неча усуллари мавжуд бўлиб, улар: сўров усули, ҳужжатларни ўрганиш усули, интервью ва кузатиш усуллари [8; 174 б.].

Социологик тадқиқот усуллари ичида ҳозирги кунда энг кенг тарқалгани сўров усулидир. Бу усулнинг қулайлиги шундаки, тадқиқотнинг кузатиш ва эксперимент усулларини фақат социологлар қўллаши мумкин бўлса, сўров усулида тадқиқот ўтказишга қисқа тайёргарликдан ўтган ёрдамчиларни ҳам жалб қилиш ва улар ёрдамида респондентларнинг катта миқдорини қамраб олиш мумкин. Сўров усули бошқариш учун қулайдир. Бундан ташқари, тадқиқот кўламини кенгайтиришда сўров усулининг имкониятлари жуда катта. Бу усул қўлланилганда катта корхона ва муассасалар, соҳалар, минтақалар ва ҳатто, мамлакат миқёсида ҳам тадқиқот ўтказиш мумкин. Сўров усулининг кузатиш усулидан фарқи шундаки, кузатиш усули фақат ҳозирги даврда юз бераётган ҳодисалар ҳақида маълумот берса, сўров усули респондентга бевосита мурожаат қилиб, унинг хулқ-атвори, ҳаракатидан кўзлаган ниятлари, ўтган даврда қилган ва ҳозир қилаётган ишлари, келажакка мўлжалланган режалари тўғрисида батафсил маълумот олиш имконини беради. Айниқса, кишининг ҳис-туйғулари, кечинмалари, ҳаракат мотивлари тўғрисида маълумот тўплаш керак бўлганда бу усул қўл келади. Хусусан, жамоатчилик фикрида ҳам маълум тоифадаги одамларнинг ҳис-туйғулари, баъзи кечинмаларни акс этиши табиий.

Чунки бу ҳодисалар кузатувчи нигоҳидан яширин бўлиб, уларни кузатиш усули билан аниқлаб бўлмайди. Лекин, сўров усули фақат афзаллик ва қулайликлардан иборат, деб хулоса чиқарсак нотўғри. Бу усулнинг ҳам бир қатор камчиликлари мавжуд. Масалан, бу усул ёрдамида олинган маълумотларнинг қанчалик мос келишини синчиклаб текшириш керак. Чунки бу усул қўлланганда маълумот манбаи фақат респондент бўлади. Респондентлар эса ўз характери, дунёқараши, хулқи, маълумоти бўйича турли кишилар бўлиб, улар ҳар доим ҳақиқатни гапирарвермайдилар. Респондент жавобларига қай даража

да ишониш мумкинлиги масаласи жуда мураккаб. Унинг тўғри ёки нотўғрилигини текширишнинг бир қанча усуллари мавжуд бўлиб, ундан усталик билан фойдалана олиш социологнинг маҳоратини кўрсатади. Бу усуллар анкета саволларининг қай даражада ўйлаб ва пухта тузилгани, уларнинг пайдарпайлиги, саволларда респондент руҳияти ҳисобга олинганлиги билан боғлиқ.

Қонунчиликда халқнинг иштироки ёки фикрларини билмоқчи бўлсак, уларга албатта, маълум бир қонун лойиҳаси бўйича саволлар беришимизга тўғри келади. Бундай муаммолар албатта, сўровлар ўтказилганда рўёбга чиқади. Саволлар рўйхати бевосита жавоб бериш учун олинган гуруҳга юборилади. Бундай гуруҳлар баъзан минглаб кишилардан ташкил топиши мумкин. «Ичкаридан кузатиш» усули фақат жамоа ҳаётини чуқурроқ ўрганиш учун мўлжалланган (яъни жамиятдаги муайян гуруҳнинг қонунчиликдаги фикрлари бўйича). Сўровлар ўтказиш усулида эса, батафсил маълумот олинмайди.

Қонун лойиҳалари бўйича сўровларда ҳар бир савол муаммодан келиб чиқиб, аниқ берилиши керак. Агар нотўғри, муаммодан четлаштирилган саволлар берилса, улар натижасининг ижобийлигини кутмаса ҳам бўлади.

Стандартлаштирилган сўровномалар ва очиқ саволли сўровномалар. Текшириш усулида 2 хил сўровномалардан фойдаланилади. Улардан бири стандартлаштирилган саволлар тўпламидир. Респондентнинг ўзи ёки тадқиқотчи саволларга жавобларни белгилайди. Масалан, «ҳа, йўқ, билмайман» ёки «бўлиш эҳтимоли юқори, бўлиши мумкин, эҳтимоли паст, мумкин эмас» жавоблари белгиланган саволномалар устунлиги шундаки, уларда жавобларни солиштириб, жадвалга киритиш осон, чунки вариантлар сони унчалик катта эмас.

Социологик тадқиқотларнинг яна бир усули, бу – ҳужжат усулидир. Ҳужжат ўз семантик маъносига кўра, исбот этиш мазмунини ифодаловчи сўздир. Ҳужжатда инсон ёки жамоа фикри ёзма ва бошқа белгиларда намоён этилган бўлади. Ҳужжат сифатида турли формулалар, чизгилар, графиклар, рамзий белгилар бўлиши ҳам мумкин. Бундай шартли белгилар муайян маълумотга эга кишилар томонидан ўқилади.

Француз социологи Э. Дюркгеймнинг фикрича, «ижтимоий ҳақиқатга объектив ёндашишни

таъминлаб берувчи асосий қоида ижтимоий фактларга нарса сифатида қарашидир» [9; 421 б.]. Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, расмий статистика газета мақолаларига қараганда анча ишончлироқ.

Социологик тадқиқотлар ҳисобот ва тавсияномалар билан яқунланади. Шу асосда социологик тадқиқот объектида аниқланган муаммолар бартараф этилади. Шу йўл билан жамиятнинг барча жаҳаларидаги муаммолар аниқланиб, муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга татбиқ этилади.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқотлар давомида қонун лойиҳалари бўйича ижтимоий фикрни, авваламбор, унинг амалий аҳамияти жиҳатидан ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, жамиятда рўй бераётган турли ҳодисаларни башорат қилишнинг муҳим воситаси сифатида социологик нуқтаи назардан жамоатчилик фикри сўровномаларининг аҳамияти ортиб бормоқда [10; 7 б.].

Шундан келиб чиққан ҳолда Р. Убайдуллаеванинг қуйидаги фикрларига қўшилиш мумкин: «Ижтимоий фикрни ўрганиш соҳасида иш олиб бораётган ўзбекистонлик мутахассис-олимлар олдига жуда масъулиятли вазифа турибди. У ҳам бўлса, мамлакат ижтимоий иқтисодий ва сиёсий тараққиёти, шунингдек, фуқаро шахси шаклланишида ижтимоий идеалларнинг асосий тенденция ва муаммоларини системали таҳлил этиш ва комплекс ўрганиш вазифасидир» [11; 7 б.].

Шунингдек, бугун ҳуқуқ ижодкорлигининг асосий шакли ҳисобланган қонун ижодкорлиги фаолиятини социологик жиҳатдан таъминлаш талаб этилмоқда. Бу қонун лойиҳалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишда турли социологик тадқиқотлар усули қўллаган ҳолда ёндашишни талаб этади. Айнан социологик тадқиқотлар орқали қонунларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий жараёнларга таъсирини баҳолаш имконияти туғилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. – T., 2016. 76 b.
2. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti lavozimiga kirishish tantanali marosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis

palatalarining qo'shma majlisidagi nutq / Sh.M. Mirziyoyev. – Toshkent: O'zbekiston, 2017. – 56 b.

3. Mirziyoyev SH.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. Mamlakatimizni 2016 yilda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning asosiy yakunlari va 2017 yilga mo'ljallangan iqtisodiy dasturning eng muhim ustuvor yo'nalishlariga bag'ishlangan Vazirlar Mahkamasining kengaytirilgan majlisidagi ma'ruza. 2017 yil 14 yanvar /SH.M. Mirziyoyev. – Toshkent : O'zbekiston, 2017. – 104 b.

4. Mirziyoev SH.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruza. 2016 yil 7 dekabr /SH.M.Mirziyoyev. – Toshkent : O'zbekiston, 2017. – 48 b.

5. Mirziyoev SH.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. Mazkur kitobdan O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning 2016 yil 1 noyabrdan 24 noyabrga qadar Qoraqalpog'iston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahri saylovchilari vakillari bilan o'tkazilgan saylovoldi uchrashuvlarida so'zlagan nutqlari o'rin olgan /Sh.M.Mirziyoyev. – Toshkent: O'zbekiston, 2017. – 488 b.

6. Mirziyoev SH.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz /SH. M. Mirziyoyev. – Toshkent: O'zbekiston, 2017. – 592 b.

7. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlis palatalari, siyosiy partiyalar hamda O'zbekiston ekologik harakati vakillari bilan videoselektor yig'ilishidagi ma'ruzasi. Xalq so'zi 2019 yil yanvar.

8. Qarang: Sotsiologiya. Ma'ruzalar matni. – T., 2000. – 8-b.

9. Qarang: Yunusova S. L. Rol' obshestvennogo mneniya v sovershenstvovaniy zakonodatel'stva. Diss. ...kand.yurid. nauk. –T., 1993. – S.3.

10. Xolbekov. A., Idivov. U. Sotsiologiya. – T., 1998. – 116 b.

11. Qarang: Amerikanskaya sotsiologiya. Perspektivi, problemi, metodi. Pod red. T. Parsonsa. – M., 1972. – S. 364.

12. Qarang: Lopaeva V.V. Huquq sotsiologiyasi. –T., 2004. – 255-b.

13. Qarang: Yunusova S. L. Rol' obshestvennogo mneniya v sovershenstvovaniy zakonodatel'stva. Dis. ...kand. jurid. nauk. –T., 1993. – S. 3.

14. Qarang: Sotsiologiya. Ma'ruzalar matni. – T., 2000. – 173 b.

15. Qarang: Dyurkgeym E. O razdelenii obshestvennogo truda, Metod sotsiologii. – M., 1991. – S. 421.

16. Qarang: Levada YU. «Sredniy chelovek»// Monitoring obshestvennogo mneniya. 1998. N 2. – S 7.

17. Qarang: Ubaydullayeva R. O'zbekistonda jamoatchilik fikrini o'rganish va shakllantirishning dolzarb muammolari. –T.: «Ijtimoiy fikr» jamoatchilik fikrini o'rganish markazi, 2003. – 19-b.

